# КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган 2008 йил 7-13 ноябрь № 44 (612) Жума кунлари чиқади

## Азиз тиббиёт ходимлари!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу муваффақиятли фаолиятларда ҳар бирингизнинг ҳиссангиз каттадир. Шундай экан, фурсатдан фойдаланиб, Сизларни бугунги касбий байрамларингиз билан чин дилдан табриклаймиз.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони соҳани янги босқичга кўтарди. Мазкур Фармоннинг амалдаги ижроси айни кунда ўзининг маҳсулини бериб келмоқда. Жумладан, тизимда бирламчи тиббий ёрдам ислоҳ қилиниши ва аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат самарадорлигини ошириш, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоят филиаллари, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда кўплаб тиббиёт муассасаларининг давр талаби даражасидаги фаолияти бунинг яққол ифодаси бўла олади. Шунингдек, аҳоли саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган соҳа мутахассисларининг фаолиятдаги ўрни беқиёс бўлса, ундан ташқари тиббиёт муассасаларимизнинг энг сўнгги замонавий ускуналар билан таъминланганлиги ҳам бугунги даврнинг талаби эканлигидан далолат бериб турибди.

Соҳанинг қайси бир йўналишига эътибор бермайлик, у ерда албатта, амалий ишлар қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Бунинг баробарида, Республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти, Перинатал ва Республика она-бола скрининг маркази ва уларнинг вилоят филиаллари аҳоли орасида она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, юқоридаги фармоннинг мантиқий давоми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармон ҳамда 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилинганлиги ҳам соҳа фаолиятини янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлди. Ушбу фармон ва қарор ижросини таъминлаш бўйича тизимда ислоҳот жараёнлари изчиллик билан давом эттирилмоқда. Эътироф этиш кераки, тиббиёт муассасалари тузилмалари фаолияти ўзгартирилиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошди.

Шундай экан, ушбу соҳани янада ривожлантириш сиздек тиббиёт ходимлари қўлида экан, бор билимингиз, маҳоратингиз, шунингдек, тажрибангизни халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашдек олижаноб ишга қаратасиз, деган умиддамиз.

Сизларни яна бир бор касбий байрамингиз билан самимий қутлаб, машаққатли ишларингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.**




*Оқ халат сиз учун кундалик либос,*
*Касбингизга қўйибсиз мунчалар ихлос.*
*Дилларда уйғотар ҳавас, эҳтирос,*
*Меҳр-мурувватингиз гўзал шифокор.*

*Гоҳида туну кун ололмайсиз дам,*
*Дардманлар дардига бўлай деб малҳам.*
*Юртдошлар бахти бўлинг, ёнинг мисоли шам,*
*Қуёшдек меҳр нурингиз кулсин шифокор.*

## УШБУ СОНДА:

2-бет ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ, МУКОФОТ МУБОРАК!
6-бет УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТИ
8-я стр. КРАСОТА МИРА ГЛАЗАМИ РЕБЕНКА

*Дил изҳори*

## БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

Дунёда шундай касб эгалари борки, улар меҳнатини қанчалар ардоқлаб, таҳсинлар айтсакда, камлик қилади. Ҳа, улар қалбимизга яқин, дардимизга малҳам бўлган тиббиёт ходимларидир.

Уч йилдан буён қон босими ҳамда қандли диабет касаллиги билан оғриб келаман. Кейинги пайтларда касалим хуруж қилиб, соғлиғимда жиддий ўзгариш бўла бошлади. Фарзандларим мени дарҳол Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига олиб боришди. Муассаса бош директори Равшан Қурбонов аҳволимдан хабардор бўлгач, керакли муолажаларни ўз вақтида олишим муҳимлигини айтиб, ётиб даволанишимга рухсат берди. Тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг кўрсатган сифатли тиббий хизматлари туфайли соғайиб, оилам бағрига қайтдим. Айниқса, бўлимда яратилган шароитлар ва ходимларнинг муомаласи дарддан тезда фориғ бўлишимга катта ёрдам берди. Шу ўринда соғлиғимни тиклашда фидойи шифокорлар Маҳмуд Маҳкамович, Алексей Никишин, Талъат Раҳмонов, Баҳодир Болтаевич, Яшин Раҳматов ҳамда меҳрибон ҳамширалар Мавлуда Розиқова, Гулчеҳра Расулова, шунингдек, кичик тиббиёт ходимлари Муҳаббат Абдушукурова, Лариса Мошенковаларнинг беминнат хизматларидан жуда мамнун бўлдим.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мазкур газета орқали халоскорларим бўлган Равшан Қурбонов бошчилигидаги жамоа ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдириб, уларни касбий байрамлари билан чин дилимдан муборакбод этаман. Машаққатли, аммо шарафли ишларида омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

**Музиф ҲАМДАМОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР УЧУН ТЕЛ.: 8 (371) 233-13-22, 233-57-73.

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
№ 44 (612)
2008 йил
7 ноябрь

# *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ*

2008 йил 3 ноябрь — № 483 — Тошкент шаҳри

## Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

***Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришганлари учун қуйидагилар "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони билан мукофотлансин:***

1. **Ембергенов Муратбай** – Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими эпидемиолог ёрдамчиси
2. **Аймуратова Бибруза Аймуратовна** – Қорақалпоғистон Республикаси эндокринология диспансери клиник биохимия лабораторияси мудири
3. **Шреримбетов Атаназар Аллаберганович** – Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг амбулатория-поликлиника хизмати бўйича ўринбосари
4. **Жаксимуратова Карлигаш Сарсеновна** – Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туман марказий шифохонаси реанимация бўлими катта ҳамшираси
5. **Салиева Маликахон Исмаиловна** – Андижон вилояти Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 1-туғруқ мажмуаси бош врачи
6. **Тўхтаев Холдарали** – Андижон вилояти Андижон туман тиббиёт бирлашмасининг Храбек қишлоқ врачлик пункти мудири
7. **Тешабоев Немат Абдулхамидович** – Андижон вилояти Олтинкўл туман тиббиёт бирлашмасининг Далварзин қишлоқ врачлик пункти фельдшери
8. **Давлатова Манзура Нематовна** – Андижон вилояти Балиқчи туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ мажмуаси дояси
9. **Турғунов Мамасодиқ Темирович** – Андижон вилояти Булоқбоши туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника неврологи
10. **Кубижонова Насирахон Абдинабаевна** – Андижон вилояти Жалақудуқ туман тиббиёт бирлашмаси Бештол қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи
11. **Кучкарова Кундузхон Адиловна** – Андижон вилояти Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника терапия бўлими мудири
12. **Рўзиев Ғулом** – Андижон вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири
13. **Муҳаммедов Исмат Раҳматович** – Бухоро вилояти Бухоро шаҳар 1-сон поликлиника бош врачи
14. **Салохитдинова Муяссар Алохитдиновна** – Бухоро вилояти Бухоро шаҳар 9-сон поликлиника врачи
15. **Холиқов Юсуф** – Бухоро вилояти Ғиждувон туман кўп тармоқли поликлиника эндокринологи
16. **Абдуллаева Зулфия** – Бухоро вилояти Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси Кавала қишлоқ врачлик пункти мудири
17. **Абашкина Надежда** – Бухоро вилояти Бухоро шаҳар 3-сон поликлиника статисти
18. **Пулатов Кайим Темирович** – Бухоро вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалиги бошлиғи
19. **Ачилова Муҳаббат Хамраевна** – Бухоро вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази паразитология бўлими мудири
20. **Абдусаломов Қосим Ҳасанович** – Жиззах вилоят юқумли касалликлар шифохонаси инфекционисти
21. **Абдуғаниев Маҳмуд** – Жиззах вилояти Зомин туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч ёрдам бўлими мудири
22. **Шукруллаев Шавкат** – Жиззах вилояти Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи
23. **Ҳайдаров Шухрат Матқулович** – Жиззах вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири
24. **Хасанова Гульсара Гафуровна** – Жиззах вилояти Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари
25. **Тоғайназаров Акбар Примович** – Қашқадарё вилоят юқумли касалликлар шифохонаси лаборатория бўлими мудири
26. **Холмирзаев Бозор** – Қашқадарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг санитария-гигиена лабораторияси мудири
27. **Искандаров Жўра Мўминович** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали нейрохирургия бўлими мудири
28. **Сиддиқов Қаҳҳор Хамрақулович** – Қашқадарё вилояти Нишон туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлими мудири
29. **Шаропов Сайфулла Эркаевич** – Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Чандир шифохонаси бош врачи
30. **Мурадов Жўра Тошпўлатович** – Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман тиббиёт бирлашмаси рентгенологи
31. **Саидов Фарход Саидович** – Қашқадарё вилояти Муборак туман тиббиёт бирлашмаси поликлиникаси хирурги
32. **Раҳимова Бахшанда Раҳимовна** – Навоий вилоят тери-таносил касалликлари диспансери физиотерапия бўлими ҳамшираси
33. **Айтбаева Ўрингул Нурназаровна** – Навоий вилояти Учқудуқ туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси
34. **Бобожонова Гавхар Санаевна** – Навоий вилояти Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими врачи
35. **Бозоров Рустам Турмуҳаммедович** – Навоий вилояти Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими анестезиолог-реаниматологи
36. **Мирзаев Каршибай** – Навоий вилояти Нурота туман Давлат санитария-эпидемиология маркази бош врачи
37. **Мамаюнусов Шахабиддин Шаюсупович** – Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси нейрохирургия бўлими мудири
38. **Курбанова Роҳилажон Хайдаровна** – Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси
39. **Зияев Абдуахат Ходибаевич** – Наманган вилояти Наманган шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ташкилийуслубий бўлими мудири
40. **Мирзааҳмедова Сожида Холматовна** – Наманган вилояти Наманган шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамшираси
41. **Тогаева Лариса Ахмедовна** – Наманган вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборанти
42. **Яхшибоева Зулфия Умаралиевна** – Наманган вилояти Тўрақўрғон туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бактериологи
43. **Ходжаева Гулчехра Исамовна** – Самарқанд вилоят Руҳий саломатлик маркази психиатри
44. **Ашурова Лола Ахмеджановна** – Самарқанд вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария-гигиена лабораторияси мудири
45. **Мўминов Раҳим Абдурасулович** – Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонадорихонаси химик-аналитики
46. **Мирзаева Сожида Сайдурасуловна** – Самарқанд вилояти Иштихон туман марказий поликлиникаси ҳамшираси
47. **Абдураҳимов Абдужалол Жўрақулович** – Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника кардиологи
48. **Ачилова Субхия Вахобовна** – Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси терапевти
49. **Бакиев Уразкул Холбўтаевич** – Сирдарё вилоят юқумли касалликлар шифохонаси врачи
50. **Зияев Зиёуддин Муродуллаевич** – Сирдарё вилояти Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи
51. **Қобилов Мавлонберди Худойбердиевич** – Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи
52. **Хожаева Айбиби** – Сирдарё вилояти ОИТС маркази лаборанти
53. **Абкеримова Тамара Якубовна** – Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника акушер-гинекологи
54. **Усмонов Эркин Абдуллаевич** – Сурхондарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бўлим бошлиғи
55. **Шарипова Саодат Ҳамватовна** – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника акушергинекологи
56. **Бердиқулов Қодир** – Сурхондарё вилоят юқумли касалликлар шифохонаси патологоанатоми
57. **Мардаев Турдимурат** – Сурхондарё вилоят сил касалликлари шифохонаси врачи
58. **Мусурмонкулова Гулнор Халмурзаевна** – Сурхондарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборанти
59. **Унаров Убайдулла** – Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими травматологи
60. **Родкевич Татьяна Николаевна** – Тошкент вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази даволашпрофилактика муассасалари бўлими мудири
61. **Курунбаев Мухтар Абдухаликович** – Тошкент вилоят силга қарши курашиш диспансери бош врач ўринбосари
62. **Юлдашева Фатима Мустафаевна** – Тошкент вилояти Бекобод шаҳар 3-сон оилавий поликлиника дояси
63. **Холмирзаева Зулфия Юлдашевна** – Тошкент вилояти Бекобод туман болалар шифохонаси реанимация бўлими мудири
64. **Токарева Юлия Геннадиевна** – Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника стоматологи
65. **Эназарова Фотима** – Тошкент вилояти Пискент туман марказий поликлиника катта ҳамшираси
66. **Иногамов Акбаржон Собитович** – Тошкент вилояти Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси болалар реанимацияси бўлими мудири
67. **Қаюмова Фирдаус Анахановна** – Фарғона вилояти Қўқон туман суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти
68. **Аҳмадалиев Ваҳобжон Эргашевич** – Фарғона вилояти Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмаси бош врачининг амбулатория-поликлиника хизмати бўйича ўринбосари
69. **Ирматова Гулбаҳор Тургуновна** – Фарғона вилоят офтальмология шифохонаси офтальмологи
70. **Мадраҳимов Бахтиёр Хамролиевич** – Фарғона вилояти Охунбобоев туман тиббиёт бирлашмаси чақалоқлар реанимацияси бўлими мудири
71. **Каримова Солия Собировна** – Фарғона вилоят туғруқ мажмуаси бош дояси
72. **Мирзақулов Мухтор** – Фарғона вилояти Ёзёвон туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири
73. **Адҳамов Маҳаммаджон** – Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи
74. **Буронов Махмуд Кадирович** – Хоразм вилоят перинатал маркази реанимация бўлими мудири
75. **Сафтияров Мударрис Шайхисламович** – Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси травматология ва ортопедия бўлими мудири
76. **Мадаминова Айжамила Санарбаевна** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали урогинекология бўлими мудири
77. **Насритдинов Хуснутдин Кутфутдинович** – Тошкент шаҳар И. Эргашев номидаги 4-сон клиник шифохона бош врачи
78. **Шарипова Венера Васильевна** – Тошкент шаҳар Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиника рентген бўлими ҳамшираси
79. **Ҳасанова Дилорам Ибрагимовна** – Тошкент шаҳар 1-сон сил касалликлари клиник шифохонаси ҳамшираси
80. **Маҳмудова Мавлуда Ҳайдаровна** – Тошкент шаҳар Чилонзор туман 34-сон оилавий поликлиника врачи
81. **Валиходжаева Умида Гайратовна** – Тошкент шаҳар ОИТС маркази диагностика лабораторияси лаборанти
82. **Касимова Шаира Пахритдиновна** – Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси терапевти
83. **Турсиметова Шахзода Расаматовна** – Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман тиббиёт бирлашмаси врачи
84. **Мусаджанова Лолахон Халилджановна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бош мутахассиси
85. **Турабаева Балшикар Абдулхаковна** – Республика Бош суд-тиббий экспертиза бюроси ҳамшираси
86. **Мажидов Наби** – Тошкент тиббиёт академияси асаб касалликлари кафедраси профессори
87. **Капкаев Радик Абдуллаевич** – Тошкент тиббиёт академияси тери-таносил касалликлари кафедраси профессори
88. **Утегенов Нурлепес Утегенович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали болалар хирургия, анестезиология, ортопедия ва офтальмология кафедраси мудири
89. **Ахмедиева Шахноза Рахимджановна** – Республика нейрохирургия илмий маркази илмий котиби

(Давоми 3-бетда).

**Жорий йилнинг 11-12 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида «Силга қарши дориларга чидамли сил. Силга қарши курашишдаги муаммолар» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.**

## *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ*

2008 йил 3 ноябрь — № 483 — Тошкент шаҳри

# Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

**90. Атакузиева Назира Инаятовна** – Республика Касб касалликлари маркази диспансер бўлими оториноларингологи

**91. Сохибов Джура Хусанович** – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қашқадарё вилояти бўйича Назорат инспекцияси бўлими бошлиғи

**92. Соатова Шоира Ўроқовна** – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳри бўйича Назорат инспекцияси бўлими бошлиғи

**93. Толлиев Сафар Бобониёзович** – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Навоий вилояти бўйича Назорат инспекцияси бўлими бошлиғи

**94. Ибрагимова Хурматой Исмаиловна** – Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази Урганч филиали директорининг ўринбосари

**95. Ахмедова Фарида Тешабаевна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш бўлими бош мутахассиси

**96. Пўлатов Шовкат Боқижонович** – Фарғона вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш бўлими бошлиғи

**97. Дўсчонов Хайтбой** – Хоразм вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш бўлими бошлиғи

**98. Игамбердиев Хикмат Нигманович** – Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази хирурги

**99. Назиров Пиримқул Хўжамович** – Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти етакчи илмий ходими

**100. Давидьян Арцвик Арфиарович** – Самарқанд тиббиёт институти ички касалликлар кафедраси мудири

**101. Азимов Исматжон Козимович** – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**102. Носирова Дилором Ғайбуллаевна** – Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**103. Черниченко Зоя Ивановна** – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси реаниматология ва анестезиология бўлими ҳамшираси

**104. Илинский Игорь Ильич** – Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти лаборатория мудири

**105. Мўминов Махсуд Собирович** – Тиббий паразитология илмий-текшириш институти катта илмий ходими

**106. Радченко Галина Фёдоровна** – Вирусология илмий-текшириш институти клиникаси бош ҳамшираси

**107. Юлдашев Эркин Анварович** – "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Давлат акциядорлик компанияси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази врачи

**108. Гулевская Людмила Васильевна** – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-сон марказий клиник шифохонаси бош ҳамшираси

**109. Саатова Раиса Рахимовна** – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-сон марказий клиник шифохонаси терапия бўлими мудири

**110. Григорьянц Светлана Николаевна** – Тиббиёт-санитария бирлашмаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бактериология лабораторияси мудири

**111. Бабенко Оксана Викторовна** – У. К. Қурбонов номли болалар руҳий-асаб касалхонаси ҳамшираси

**112. Бахринова Нодира Шукуровна** – Қарши тиббиёт коллежи педиатрия фани ўқитувчиси

**113. Гулямова Рано Махкамовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тиббиёт санитария қисми клиник лаборатория бўлими мудири

**114. Юлчиев Азимжон Карабалаевич** – Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси лимфология бўлими мудири

**115. Ильина Алла Павловна** – Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ўта хавфли инфекциялар лабораторияси бактериологи

**116. Зохидов Абдурахмон Якубович** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази терапевтик реанимация бўлими мудири

**117. Арбузова Димитра Анастасивна** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази санитария авиацияси хизмати диспетчери

**118. Башкатова Нина Николаевна** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамшираси

**119. Гиясова Мовлюда Сабировна** – Дори воситалари ва тиббий буюмлар сиёсати маркази бош мутахассис-провизори

**120. Баскаль Вера Агафоновна** – Навоий тоғ-металлургия комбинати Тиббий-санитария бирлашмаси 3-сон Тиббий-санитария қисми операция блоки катта ҳамшираси

**121. Абдуллаева Олтин Саъдуллаевна** – Навоий тоғ-металлургия комбинати Тиббий-санитария бирлашмаси 4-сон Тиббий-санитария қисми педиатри

**122. Жакешова Наталья Уразбаевна** – Навоий тоғ-металлургия комбинати Тиббий-санитария бирлашмаси 5-сон Тиббий-санитария қисми бошлиғи ўринбосари

**123. Холикова Мияссар Рахмонбердиевна** – Чотқол сиҳатгохи бош ҳамшираси

**124. Иванова Татьяна Игоревна** – "Ўзбекэнерго" Давлат акциядорлик компанияси Тиббий-санитария қисми эндокринологи

**125. Юлдашев Акмаль Ахмеджанович** – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси бошлиғи

**126. Исматуллаева Хурсаной Кудратуллаевна** – Тошкент шаҳар 2-сон силга қарши кураш диспансери бош врачи.

**(Давоми. Боши 2-бетда).**

**Вазир Ф. Ғ. НАЗИРОВ.**

*Семинар*



# АМАЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ СИФАТ ВА ТАКОМИЛЛАШУВ

***Республикамиз таълим-тарбия соҳасида кенг кўламли ислоҳотларни кучайтириш, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини замон талаблари даражасида мукаммаллаштириш кадрлар тайёрлашнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода жорий йилнинг 6 ноябрь куни Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган минтақавий ўқув-услубий семинарда асосий эътибор тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежларида амалий таълимни янада такомиллаштириш ва замон талабига мос ҳолда мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий таълимни ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳридаги тиббиёт институтлари малакавий амалиёт раҳбарлари, коллеж директорлари ва уларнинг касбий таълим бўйича ўринбосарлари, услубиятчи педагоглар, даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ҳамда бош ҳамширалар иштирок этдилар.***

Семинарни Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Алимова кириш сўзи билан очиб, республикамиз тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежларида касбий-амалий таълимнинг ҳолати ва унинг сифати, талабаларнинг назарий билимлари билан бир қаторда амалиёт жараёнларининг сифат-самарадорлигини оширишга бўлган талаб ва ёндашувларни кучайтириш хусусида тўхталиб ўтди.

Тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори М. Юсупова «Тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежларида амалий таълимнинг ҳолати ва сифатини замон талабига мос ҳолда такомиллаштириш» мавзусида маъруза қилар экан, институт талабалари ва коллеж ўқувчиларининг касбий амалиётдаги фаолиятлари, бу билан боғлиқ муаммолар, малакавий амалиётни ўташ чоғида зарур бўлган бошқа тавсиялар ва кўрсатмалар, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ҳамда олий ўқув юртлари раҳбарияти ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берди. Шундан сўнг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамширалик иши» бўйича бош мутахассиси Р. Салихаджаева ҳамшира-ўқитувчининг педагогик маҳорати, ҳамшираларнинг амалиёт жараёнидаги ҳолати, билими, тажрибаси ва ҳатто этика, деонтологиясидаги муҳим талаблари тўғрисида тўхталар экан, кузатувлар асосида олиб борилган махсус текширувларда юқоридаги ҳолатларга оид айрим камчиликлар мавжудлигини мисоллар ёрдамида кўрсатиб берди.



Семинарда сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ҳам узлуксиз таълимни ривожлантириш, ёш мутахассисларнинг касбий-амалий кўникмаларини бойитиш ва бу борада янги таълим стандартларини амалиётга татбиқ этиш сингари вазифаларга эътибор қаратдилар. Шунингдек, ушбу тадбир доирасида тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежларининг амалий таълим бўйича юритиладиган ўқув-услубий ҳужжатлар кўргазмаси ташкил этилди. Ундан ташқари, Тиббий таълимни ривожлантириш маркази томонидан эълон қилинган тиббиёт коллежларининг «Энг яхши услубий қўлланма» ва «Энг яхши услубий тавсиянома» танлови ғолиблари ҳам аниқланди. Унга кўра, юқоридаги танлов бўйича 1-даражали диплом 1-Республика тиббиёт коллежига берилди. Амалиёт бўйича талабалар бажарган ишлар кўргазмаси ғолиби Тошкент Фармацевтика институти деб топилди.

**Семинар сўнгида талаба ёшлар ва ўқувчиларнинг ҳам назарий, ҳам амалий билимларини оширишга қаратилган янги лойиҳалар ва таълим стандартлари келажакда ўзининг ижобий маҳсулини беришига ишонч билдирилди.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАДХОДЖАЕВ.**

**Жорий йилнинг 13-14 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон терапевтларининг V съезди бўлиб ўтади.**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash
№ 44 (612)
2008 йил
7 ноябрь

2008 й
№10

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

Осиё тараққиёт банки

Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

## «Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари



**«Health – 2»**

**«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects**

**Проекты «Здоровье – 2»**

**«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»**



# МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг янги, замонавий ташкилий услубларини яратиш, белгиланган тартибдаги ислоҳот жараёнларини жадаллаштириш, жумладан, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш каби мақсадли вазифалар мана бир неча йилдирки, узил-кесил, изчиллик асосида олиб борилмоқда. Шу ўринда 1999 йил «Саломатлик-1» лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши том маънода юқоридаги кўрсатмаларга жавоб бўлди, дейиш мумкин. Жойларда қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш, умумий амалиёт врачларини тайёрлаш, муассасаларга керакли тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш, малакали кадрларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш сингари ислоҳотлар 1999 йилдан то шу кунгача амал қилиб келмоқда. Фақатгина «Саломатлик-2» лойиҳасининг навбатдаги вазифаларидан бири шуки, бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, янгича тамойилларга асосланган бошқарув механизмини яратиш вазифалари амалиётда устувор қилиб олинди. Хабарингиз бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 217-сонли қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорнинг фаолият доирасини янада ривожлантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2008 йил 16 октябрдаги 104-сонли «Бирламчи тиббиёт даволаш муассасаларини жон бошига қараб молиялаштириш тўғрисида»ги буйруғи ишлаб чиқилди. Яна шуни эътироф этиш керакки, ушбу буйруқ «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма бюроси томонидан республикамиз бўйлаб кенг миқёсда амалга ошириб келинмоқда.***



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мазкур буйруғини ўрганиш, амалиётга бевосита татбиқ этиш мақсадида «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма бюроси ва USAID/ЗдравПлюс ташкилоти томонидан республикамиз бўйлаб сайёр семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Дастлабки қадам лойиҳага эксперимент тариқасида киритилган Гулистон шаҳридан бошланди. Семинарда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, етакчи менежерлар, вилоят молия бошқармаси, ғазначилик бўлими мутахассислари туман ҚВПлари бош шифокорлари ва уларнинг менежерлари иштирок этишди.

Семинарни кириш сўзи билан очган «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма бюроси мутахассиси С. Абдураҳимова молиявий бошқаришни янгича такомилга кўра амалга ошириш зарурияти туғилаётганлиги, юридик мақомга эга муассасаларда ғазначилик тизимини йўлга қўйиш, аҳолини жон бошига молиялаштириш орқали шифохоналарнинг бюджет таъминотини бойитиш сингари устувор вазифаларга алоҳида тўхталди. Чунки, бугунги иқтисодий ўсиш даврида мавжуд молиявий маблағдан аҳоли саломатлигини яхшилаш йўлида тўғри ва мақсадли фойдаланиш, аниқроқ қилиб айтганда, ғазначилик тизимини шакллантириш орқали моддий-техник база ва бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳар бир тиббиёт муассасаси олдига улкан вазифаларни юклайди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳани ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси бош иқтисодчиси З. Казаков молиявий бошқарувни тартибга солишда қўлланиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ва улар билан ишлаш, бюджет маблағларини тўғри тақсимлаш ва ҳисоб-китоб юритиш механизмлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган зарурий талаблар тўғрисида маъруза қилди.





– Шу ўринда бир савол туғилади. Ғазначиликнинг мақсади нима? Демак, бу ғазна ижросини татбиқ этиш билан бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишдан иборатдир. Шундай экан, нимага биз бундай енгиллик ва бошқарувнинг ягона усулидан фойдаланмаслигимиз керак. Ўтказилган семинарнинг асосий мақсади ҳам аҳоли жон бошига молиялаштириш жараёнида бюджет маблағларини тўғри сарф-харажат қилиш, – дейди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик операциялари таҳлили ва назорати бошқармаси бошлиғи В. Килберг.

Семинар давомида сўзга чиққанлар молиявий бошқарув ва ғазначилик тизимини амалга ошириш жараёнида юзага келаётган муаммолар, қўйилаётган талаблар бўйича мутахассисларга мурожаат қилиб, тўлақонли жавобга эга бўлдилар.

– Сирдарё вилоятимизда жами 149 қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, уларнинг бари юридик мақомга эга. Эксперимент тариқасида олинган вилоятимиз бирламчи тиббиёт муассасалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-1,2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳалари томонидан замонавий тиббий жиҳозлар ва етарли шарт-шароитлар билан таъминланмоқда. Ҳозирги кунда 25 та ҚВПни янгидан қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари «Саломатлик-2» лойиҳаси режасига киритилган. Қувонарли томони, яқинда Гулистон шаҳар 4-оилавий поликлиникамиз ушбу дастур бўйича 109 миллион сўм ҳисобига реконструкция қилиниб, оила шифокорининг барча хоналари жаҳон стандартлари талабига мос равишда жиҳозланди. Ундан ташқари, поликлиника таркибида бирламчи тиббиёт муассасалари ходимлари малакасини оширишга хизмат қиладиган ўқув маркази фаолият юритмоқда. Эндиликда аҳоли сонига қараб жон бошига молиялаштириш тизими барча ҚВП ва оилавий поликлиникаларимизда татбиқ этилмоқда. Бу йўналишда муассасаларда менежер штати ташкил этилди. Шунингдек, 2008 йилда вилоят бўйича 75 та менежер янги тизим бўйича қайта тайёрланди. Режага мувофиқ ҚВПларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, умумий амалиёт шифокори ва ҳамширалари малакасини ошириш, узлуксиз таълим стандартларини изчиллик билан давом эттириш, бюджет таъминотини яхшилаш мақсадида ғазначилик тизимини кенгроқ йўлга қўйиш вазифалари олиб борилмоқда. Ўтказилган семинарнинг бош мақсади ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги меъёрий ҳужжатларни амалиётга жорий этиш, молиявий бошқарувни янги такомилга кўтаришдан иборатлиги билан аҳамиятлидир, – дейди биз билан суҳбатда «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма бюросининг Сирдарё вилояти бўйича директори Ғани Қўшбеков.

**Ушбу семинар эндиликда республикамизнинг барча вилоятлари бўйлаб давом эттирилади. Етакчи мутахассисларнинг янги йўналишдаги молиявий тизим самарадорлигига қаратилган маърузалари, тавсия ва кўрсатмалари иштирокчилар фаолиятида ўз самарасини беришига ишонамиз.**

Газетамизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128




***Важнейшей стратегической целью социальной политики является улучшение состояния здоровья населения на основе доступной широким слоям медицинской помощи и повышения качества лечебных услуг. Показатели здоровья населения могут быть улучшены на основе совершенствования системы управления отраслью, более эффективного использования ресурсов системы здравоохранения, обеспечения равного доступа всех граждан к системе здравоохранения, обеспечения достижения баланса между объемами медицинских услуг и объемами его финансирования. Несмотря на некоторое улучшение финансирования здравоохранения в последние годы, объем выделяемых средств остается недостаточным для нормального функционирования отрасли.***

# ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ СЧЕТОВ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Система национальных счетов здравоохранения является наиболее полной статистической системой и представляет различные возможности для анализа.

В целях обучения членов межведомственной Рабочей группы и специалистов из пилотных Сырдарьинской и Ташкентской областей, 3 - 4 сентября 2008 года Министерством здравоохранения в рамках реализации проекта "Здоровье-2" организован семинар по концептуальным основам методологии разработки и внедрения системы Национальных счетов здравоохранения (НСЗ) в Республике Узбекистан.

НСЗ имеют относительно короткую историю. Они берут свое начало в Системе национальных счетов, которая является стандартом мирового масштаба национального экономического бухгалтерского учета и была первоначально развита Международным валютным фондом (МВФ), Организацией экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) и ООН. Основываясь на этом, ОЭСР разработала Международную классификацию счетов здравоохранения (МКСЗ), названную Системой счетов здравоохранения (ССЗ).

Система счетов здравоохранения ОЭСР представляет собой модель, которую страны могут использовать для построения Национальных счетов здравоохранения. Основные положения Системы счетов здравоохранения ОЭСР конкретизированы и детализированы применительно к сфере здравоохранения. В то же время существует множество особенностей, которыми НСЗ отличаются от национально выработанных счетов здравоохранения, благодаря которым НСЗ достойны своего внедрения. Во-первых, НСЗ являются стандартизированным способом описания этих потоков в различных проекциях, например, поставщиков и функций здравоохранения, а также отличительного различия между источниками капитала и финансовыми агентами. Это является важным усовершенствованием по сравнению с большинством национальных систем и предоставляет мониторинг и более углубленный анализ системы здравоохранения. Во-вторых, МКСЗ разработана для покрытия всей системы здравоохранения, независимо от того, что традиционно подразумевают под словом здравоохранение. Это вынудило бухгалтеров здравоохранения в каждой стране учитывать расходы здравоохранения, которые раньше не учитывались. Политики и руководители здравоохранения обладают при НСЗ информацией, которая ранее не была доступна в большинстве стран.

Таким образом, Национальные счета здравоохранения – это глобальный стандарт для определения, классификации и выслеживания всех расходов в системе здравоохранения, независимо от происхождения, предназначения либо способа исполнения. Они предоставляют протестированный механизм описания потока денежных средств и соразмеряют расходы на здравоохранение, чтобы посмотреть, сколько фактически было затрачено на здравоохранение в сравнении с показателями бюджета и принципа себестоимости. При должном создании это поможет пользователю понять различные части системы здравоохранения. Одновременно они служат основой для сбора информации на международном уровне о расходах на здравоохранение.

Главным инструментом модели Национальных счетов здравоохранения является выведение расчетных показателей, характеризующих взаимосвязи и взаимозависимости между финансовыми параметрами с одной стороны и объемами и результатами медицинской помощи. Данная система не может существовать вне принятых понятий, определений и классификаций, т.к. основными источниками данных для формирования модели являются данные медицинской, финансовой и экономической государственной и ведомственной статистической отчетности. В противном случае построенная система вряд ли найдет практическое применение.

Кроме того, при формировании системы НСЗ уделяется особое внимание взаимодействиям между системой общего финансирования здравоохранения и механизмами финансовой поддержки конкретных программ, в том числе взаимодействиям между потоками международных донорских средств и национальными финансовыми системами.

Основным потребителем данных НСЗ являются органы государственного управления, формирующие экономическую политику. Такими органами являются Министерство финансов, Министерство экономики, Министерство труда, которые определяют основные направления фискальной и социальной политики, касающиеся широкого круга вопросов и инструментов экономической политики и в первую очередь системы налогообложения, стимулирования отечественных и иностранных инвестиций.

Принятие решений по данным вопросам основывается на анализе соответствующей информации, разрабатываемой в рамках национальных счетов. Анализ показателей НСЗ и статистики государственных финансов является важным условием обоснованности принимаемых решений по вопросам управления экономикой.

Так, например, принятие решений по использованию бюджетных ресурсов на социальные программы опирается на такие показатели НСЗ, как располагаемый доход населения, потребление домашних хозяйств, социальные пособия, выплаченные домашним хозяйствам, и др. Или привлечение иностранных инвестиций также опирается на показатели НСЗ о размерах, структуре и динамике иностранных инвестиций.

Все больший интерес к данным НСЗ проявляют и представители бизнеса, которые хотят знать, в какой точке конъюнктурного цикла в каждый момент находится экономика здравоохранения, поскольку от этого зависит принятие решений по инвестированию, расширению предпринимательской деятельности.

Всемирная Организация Здравоохранения (ВОЗ) и Всемирный банк (ВБ) внесли свой вклад в развитие НСЗ, которые являются расширением ССЗ и международно-принятым стандартом. Этот стандарт используется в "Руководстве создания национальных счетов здравоохранения", которое является первым всеобъемлющим руководством по реализации НСЗ и предоставлению международно-сопоставимых данных относительно расходов на здравоохранение. Оценки составляются ежегодно на основе консультаций с техническими специалистами из государств-членов и партнерскими организациями. Полученные в результате этой работы сводные оценки расходов на здравоохранение публикуются в ежегодных докладах о состоянии здравоохранения в мире и заносятся в Европейскую базу данных ВОЗ "Здоровье для всех", к которой имеется доступ в режиме он-лайн.

Между странами, являющимися членами мирового экономического сообщества, постоянно ведутся интенсивные переговоры по финансовым проблемам. Результативность и успешность подобных переговоров во многом зависят от сопоставимости статистических данных. Достигнуть ее возможно лишь с применением международных стандартов. Такой подход дает возможность сравнивать результаты финансовой политики здравоохранения во времени с результатами различных стран.

Многие страны Европейского региона ВОЗ пришли к пониманию того, насколько важно основывать политику здравоохранения на фактических показателях эффективности проводимых реформ. С этой целью в ряде стран созданы структурные подразделения, принимающие то или иное участие в процессе формирования национальной политики здравоохранения. Данная информация очень важна для выработки инвестиционной политики. Многие страны в регионе недавно начали внедрение НСЗ. В данный момент развивается сеть НСЗ в таких странах СНГ, как Армения, Грузия, Казахстан, Кыргызстан, Россия и Украина.

В заключение, хотелось бы отметить, что для проведения эффективной государственной политики в области здравоохранения и финансов данной сферы необходима качественная информация об их текущем состоянии и динамике развития. Полнота и достоверность данных, получаемых в процессе обследования, главным образом определяются правильным выбором методологии учета, системы статистических показателей.

**Разработка системы национальных счетов будет в значительной мере способствовать решению такой важной проблемы, как создание унифицированной системы учета медицинской помощи и ее финансирования, совершенствование системы бухгалтерского учета и отчетности и медицинской статистики, обеспечение их совместимости.**

**С. АБДУРАХИМОВА,**
**специалист по финансированию и управлению СБРП "Здоровье-2" и "Укрепление здоровья женщин и детей".**

*Дил изҳори*

# БУ – ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ



***Муқаддасхон ФОЗИЛОВА, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар Янгибоғ маҳалласи:***

– Ишонч билан айтиш керакки, инсон ўз ҳаётини тиббиётсиз тасаввур эта олмайди. У дунёга келганидан, то умрининг охиригача тиббиёт ходимига мурожаат қилади. Улар инсоннинг бебаҳо неъмати бўлган саломатлиги учун доимий қайғуриб келган саховатли касб эгаларидир.

34 йил давомида ёшларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келдим. Ёш ўтган сайин танадаги айрим дардлар хуруж қила бошлар экан. Кейинги пайтларда тез-тез қон босимим ошадиган бўлди. Сўнгра Марғилон шаҳар марказий шифохонасининг 2-оилавий поликлиникаси шифокорларига мурожаат қилдим. Олдинлари иш билан банд бўлиб ушбу тиббиёт масканига кўп келмаган эканман. Соғлигимда ўзгариш бўлгач, поликлиникага келиб, яратилган шароит ва тиббий хизматлардан жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, шифо масканининг замон талаблари даражасида таъмирдан чиқарилганлиги, янги лаборатория жиҳозлари борлиги, ундан ташқари умумий амалиёт шифокорлари мақомида ишлаётган мутахассиларни кўриб – бу истиқлол берган имконият дея фахрландим.

Ҳудудимизга тегишли бўлган оилавий шифокоримиз Мурувватхон Азимованинг билим ва тажрибаси жуда яхши бўлиб, қабулга келган ҳар бир беморни илиқлик билан кутиб олади. Унинг беморларга бўлган меҳрибон, самимий ва камтарлиги дарддан тезда фориғ бўлишга ёрдам беради. Шунингдек, бири-биридан чаққон ҳамшираларнинг фидойилигини айтмайсизми? Улар доимий хонадонларда бўлишиб, аҳоли орасида фаол иш олиб борадилар. Яна шуниси эътирофлики, хонадондаги биргина беморга эмас, балки оиланинг соғлом аъзолари соғлигини ҳам назорат қилишиб, тарғибот ишларини олиб боришади.

Давлатимиз томонидан инсонлар соғлиги учун шу қадар ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, бундай имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳар бир фуқародан тиббий саводхонликни талаб этади.

Демоқчиманки, оиламизга кириб келаётган шифокор ва ҳамширалар ишини ҳурмат қилиб, улар ишончини оқлашга ҳаракат қилишимиз керак. Бу албатта, ўзимизга боғлиқ.

Шу ўринда Юртбошимизга, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳамда «Саломатлик-2» лойиҳасининг жонкуяр раҳбарларига чин дилимдан миннатдорчилик билдираман.

Давлатимиз томонидан ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси «Тиббиёт ходимлари куни» деб белгиланган экан, бу албатта соҳа мутахассисларининг меҳнатига бўлган эътибор деб биламан. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча тиббиёт ходимларини касбий байрамлари билан самимий қутлаб, бахтимизга доим омон бўлинг, деб қоламан.

**Подписывайтесь на газету в 2009 году**

***Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида олиб борилаётган узлуксиз таълим жараёнларининг тиббиёт муассасалари фаолиятидаги ўрни катта бўлмоқда. Айтиш жоизки, соҳанинг ҳар бир йўналишидаги мутахассис кадрларнинг педагогик ҳамда касбий маҳорати ва тажрибавий билимларини оширишда мазкур узлуксиз таълим жараёнлари, иш самарадорлиги ошишига, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Айни кунларда лойиҳа доирасида республика тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган врач-лаборантлар, ҳамширалар ҳамда педагогларни ўқитиш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Куни кеча таҳририят ходимлари ўқув марказларида давом эттирилаётган ўқув-семинарларида бўлиб, ўқитувчи, тренер ва тингловчилар билан суҳбатда бўлиб қайтишди.***




# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИНГ БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТИ



**Нина БОРЗОВА, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти клиник лаборатория диагностика кафедраси доценти:**

– Эътироф этишим жоизки, Юртбошимизнинг тиббиёт тизимига бўлган эътибори туфайли соҳада ислоҳотлар жараёни янада изчиллик билан олиб борилмоқда. Шу жумладан, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ишларига ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Тиббиёт соҳасидаги ҳар бир йўналишнинг ўзига хос қийинчиликлари бўлиб, у мутахассисдан масъулият ва касбий маҳорат талаб этади. Йигирма йилдан буён клиник лаборатория йўналишида фаолият юритиб келар эканман, ҳозиргача ҳам ўз устимда тинимсиз ишлашга ҳаракат қиламан. Чунки касбимиздаги моҳият шундаки, беморга қўйиладиган асосий ташхиснинг интиҳоси лаборатория таҳлилида ўзининг тўғри натижасига эга бўлади. Бунинг учун мутахассис ўз касбини мукаммал эгаллаган, билим ҳамда тажрибага бой бўлиши зарур. Мазкур кафедрада доцентлик вазифасини ўтар эканман, республика тиббиёт муассасаларидан малака оширишга келаётган мутахассисларга кенг доирада билим беришга астойдил киришаман. Айни кунларда "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига қарашли туман тиббиёт бирлашмалари клиник биохимия лабораториясининг врач-лаборантларига "Янги технологияларни лаборатория амалиётида қўлланиши" бўйича ўқув-семинари ўтказиб келмоқдамиз. Бир ҳафталик ўқув-семинар давомида Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан 22 нафар мутахассис таҳсил олмоқда. Машғулотлар давомида танлаган мавзуларимизнинг барчаси долзарб бўлиб, айниқса янги технологияларда мукаммал ишлай олиш ва таҳлилий натижаларда хатоликка йўл қўймаслик, шунингдек, фаолиятга масъулият билан ёндошишдан иборатдир. Декабрь ойининг охиригача барча вилоятлардаги мутахассисларни ўқитишни режалаштирганмиз. Фурсатдан фойдаланиб, республикамиздаги тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан табриклаб, уларнинг ишларига омадлар тилайман.

**Манзура МАМАНАЗАРОВА, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси клиник, биохимия лабораторияси бош лаборанти:**

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Саломатлик-2" лойиҳаси ҳамкорликда олиб бораётган ишлар тизимдаги фаолиятни янада жадаллаштирди, десам хато бўлмайди. Айниқса, мутахассис ва кадрлар малакасини ошириш бўйича бошланган узвий таълим ҳам бундан мустасно эмас. Менинг мамнунлигим шундаки, лаборатория соҳасида ишлайдиган ходимлар фаолиятига ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилаётганлиги. Мана бир ҳафта давомида "Янги технологияларни лаборатория амалиётида қўлланиши" мавзусидаги ўқув-семинар доцент, устозимиз Нина Сергеевна томонидан қизиқарли тарзда олиб борилаётганлиги тингловчилар учун тажриба мактаби бўлаяпти. Ҳар бир мавзунинг долзарблиги шундаки, лаборатория йўналишидаги фаолиятлар кенг қамраб олинган. Туманимизда 18 та ҚВП мавжуд бўлиб, шулардан 15 таси "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Янги технологиялар билан ишлаш, сирлашиш осон эмас, бунинг учун албатта малака ошириш зарур. Шу кунгача туманимиздаги фельдшер-лаборантларимиз замонавий лаборатория ускуналарида ишлаш бўйича малака ошириб қайтдилар.

Мазкур ўқув-семинарнинг ўтказилишидан асосий мақсад, олинган назарий билимларимиз асосида ҚВПлар ва барча тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган лаборантлар учун ўқув-семинарлари ташкил қилиб, ўқиш жараёнларини давом эттиришдан иборатдир. Шу ўринда мана шундай фойдали ўқишни ташкил этган Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Саломатлик-2" лойиҳаси вакилларига ҳамда бизга таҳсил бераётган устозларимиз Абдумалик Арипов, Нина Борзова, Дилноза Ахмедходжаевага ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

**Турдиқул БУРХОНОВ, Сирдарё вилояти Боёвут туман диагностика бўлими мудири, вилоят бўйича бош лаборант:**

– Лабораторияда ишлаш ва таҳлилий натижаларга жиддий ёндошиш соҳа мутахассисидан ўта масъулият талаб қилади. Шундай экан, бу борада лаборант ҳушёр ҳамда ўз тажрибасига эга бўлмоғи лозим. Туманимиз ҳудудида 29 та ҚВП мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммасига лойиҳа томонидан 14 хил турдаги янги замонавий лаборатория жиҳозлари тақдим қилинган. ҚВПларимиздаги лабораториялар тўлиқ кадрлар билан таъминланган. Янги лаборатория жиҳозларида ишлаш бўйича лаборантларимизни ўқитдик. Таҳлилий натижалар учун реактивларимиз ҳам етарли. Асосийси мутахассисларимиз меҳнатидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Бир ҳафта давом этган ўқув-семинаримизда чуқур назарий кўникмага эга бўлдик. Ўйлайманки, олган билимимиз бесамар кетмайди. Бизнинг тажриба ва малакамизни оширишда ўз хизматларини аямаган барча мутасадди раҳбарларни касб байрамлари билан қутлаб қоламан.



# «ҲАМШИРАЛИК ИШИ»ДАГИ АСОСИЙ КЎНИКМАЛАР

***Жорий йилнинг октябрь ойида ҳамширалар фаолиятида касбий таълимни ривожлантириш, узлуксиз малака оширишни кучайтириш, ҳамширалик иши жараёнида амалий кўникмаларни татбиқ этиш ва тажриба кўламини кенгайтириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш», Тиббий таълимни ривожлантириш маркази, USAID/ЗдравПлюс лойиҳалари томонидан «Бирламчи тиббий санитария тизимидаги ҳамширалар ишининг асосий кўникмалари» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.***



Семинар-тренинг асосан бирламчи тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамшираларнинг узлуксиз малакасини оширишга қаратилган бўлиб, машғулотлар халқаро стандартлар асосида тайёрланган ўқув қўлланмалари, тарқатма материаллар ва хорижлик мутахассислар томонидан тайёрланган маҳаллий тренерлар иштирокида олиб борилди. Унда Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларидаги ҳамширалар ҳамда тиббиёт коллежларининг «Ҳамширалик иши» бўйича ўқитувчилари иштирок этдилар. Аввал хабар қилганимиздек, сентябрь ойида мазкур йўналишда республикамиз вилоятларидаги бош ҳамширалар тренер сифатида ўқитилган эди. Улар ҳозирги кунда олган билимларини мукаммаллаштириб, ҳудудлардаги ҳамширалар учун махсус семинар-тренинглар ташкил этдилар. Тарқатма материал сифатида берилган ҳамширалик ишининг асосий босқичлари, назарий маълумот ва янгиликлар борасидаги касбий кўникмаларни амалиётда қўллашни ўргатиш қоидалари содда ва осон тилда, машқлар, тестлар ёрдамида кўрсатиб берилган.

– Мен олган билимларимдан сўнг мустақил равишда артериал босимни ўлчаш мавзусида ҳамкасбларим орасида амалий машғулот олиб бордим. Гарчи асосий вазифам талабаларга дарс бериш бўлсада, аммо катталар аудиторияси билан ишлашнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор экан. Семинар давомида узлуксиз таълимни мақсадли олиб бориш йўлида янгича ўқув дастурлари, таълим стандартлари билан танишдик. Семинарнинг яна бир ютуғи ҳамширалар билан бир пайтда педагогларнинг биргаликда таълим олишидир. Чунки, биз педагог-ўқитувчимиз. Амалиётни кўпроқ ҳамширалар иш жараёнида синовдан ўтказадилар. Шунга мувофиқ олинган билимлар умумлаштирилиб, уни таълим босқичларида самарали қўллаймиз, – дейди Собир Раҳимов тиббиёт коллежи ўқитувчиси Лола Норқобилова.

Семинар давомида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Наргиза АКЖИГИТОВА, Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси:**

– "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида ўтказилаётган семинар-тренингнинг бугун сўнгги куни. 3 кун давомида биз гигиена, жароҳатлар, синган суяк ва куйган жойларни парвариш қилиш, томир уришини аниқлаш, нафасни баҳолаш, иситмада ёрдам кўрсатиш, чақалоқни чўмилтириш, кўзни текшириш ва кўз муолажаларини бажариш, қулоқ ва томоқни текшириш, сил касаллиги белгиларини аниқлаш каби 11 та мавзу юзасидан Тошкент шаҳридаги патронаж ҳамширалар ҳамда 8 та тиббиёт коллежи педагогларига керакли маълумотларни беришга ҳаракат қилдик. Улар ўтилган мавзулар

(Давоми 7-бетда).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР УЧУН ТЕЛ.: 8 (371) 233-13-22, 233-57-73.

# «ҲАМШИРАЛИК ИШИ»ДАГИ АСОСИЙ КЎНИКМАЛАР

юзасидан тақдимот тайёрлаб, уни қай даражада ўзлаштирганликларини намоён этиб, яна бошқа зарур маълумотларни иштирокчиларга ҳавола қилиб, беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари билан таништирдилар.

Семинарлар аввалида биз гуруҳлар ўртасида бошланғич тест ўтказган эдик. Унинг натижаларига кўра, ҳамшираларнинг билим даражаси 23,8 фоиз бўлган бўлса, 3 кундан кейин ўтказилган тест натижаларида бу кўрсаткич 93,2 фоизни ташкил этди. Шундай экан, бундай семинар-тренингларни ўтказишдан мақсадимиз бирламчи тиббий-санитария ёрдамида фаолият кўрсатаётган патронаж ҳамширалар билимини янада ошириш, уларнинг малакали тиббий ёрдам кўрсатишларига эришиш.



**Феруза ШАРИФХЎЖАЕВА, 1-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси:**

– Бугун мен "Нафас олишни баҳолаш" мавзуида тақдимот қилдим. Тақдимот давомида "ақлий ҳужум" усулидан фойдаландим. Яъни бунда гуруҳга савол берилади, иштирокчиларнинг фикри эса эркин баён этилади. У тўғри ёки нотўғри деган гаплар бўлмайди, шунчаки ҳар бир қатнашчи ўзи билган ҳолда саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Барча жавоблар тинглангач, маърузачи томонидан унга аниқлик киритилади. Бундан ташқари, ҳамширалар ўтилган мавзу юзасидан амалий кўникмаларни бир-бирларида бажаришди. Ўз тақдимотимга бироз янгилик киритиш мақсадида нафас трекларидан фойдаландим. Ҳамширалар эшиттирилган нафас товушларига қараб, унинг қандай касалликдан дарак бераётганлигини топдилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керак, тақдимот қилган ҳар бир қатнашчи ўз мавзуига оид ана шундай янги усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилди.

**Эндиликда коллеж миқёсида кичик семинарлар ташкил этиб, тренингдан олган билимларимни талабаларга етказиб, уларни дарс жараёнларида қўллашни ҳам мақсад қилаяпман.**

**(Давоми. Боши 6-бетда).**

# КАСБИЙ МАҲОРАТ КЎНИКМАСИ

***Жамият тараққиётининг юксалиши кўпроқ кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Лекин уларни етук кадрлар қилиб тайёрлаш педагог-ўқитувчилар зиммасига катта вазифа юклайди. Айниқса, кейинги йилларда республикадаги тиббиёт олий ўқув юртларида умумий амалиёт врачларини тайёрлаш яхши йўлга қўйилган бўлиб, талабалар тажрибали мутахассислар томонидан назарий ва амалий кўникмаларни мукаммал эгаллаб келмоқдалар. Савол туғилади, талабаларга таҳсил бераётган педагогнинг ўзи қандай малакага эга? Мазкур саволга қуйидагича жавоб беришимиз мумкин.***



"Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган узлуксиз таълим доирасида тиббиёт олий ўқув юртлари педагогларни малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил қилиниб, улар ҳам малакавий кўникмага эга бўлмоқдалар. Айни кунда Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг умумий амалиёт шифокорлар малакасини ошириш кафедрасида республикадаги тиббиёт олий ўқув юртларининг 22 на-



фар педагоглари бир ойлик ўқув курсида таҳсил олишмоқда. Улар мазкур ойлик ўқув курсига келгунга қадар, ўзларининг тиббиёт олий ўқув юртларида 10 ойлик ўқув курсида ўқиб, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кўникмалари, мулоқот жараёнлари, шунингдек, инсонийликка хос бўлган фазилатларга оид дарс ўтиш машғулотларини чуқур ўргандилар. Эндиликда эса унинг узвий давоми сифатида мутахассислар мазкур кафедра ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг тажрибали педагоглари томонидан талабаларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, уларни интерфаол усулда ўқитиш, дарс бериш маҳорати ва холис баҳолаш каби уйғунлашган машғулотларни дарс жараёнида ўрганиб, назарий ва амалий кўникмаларни янада ошириб бормоқдалар.

**Албатта, бундай узлуксиз таълим самараси ўз маҳсулини беришида мутахассислар тинимсиз изланишлари керак бўлади.**

Ўзбекистон Республикаси
Халқаро тараққиёт уюшмаси
Осиё тараққиёт банки
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси
2008 й
№10
«Саломатлик – 2», «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари
«Health – 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье – 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»

*В помощь врачу общей практики*

# НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ В ОБЩЕЙ ВРАЧЕБНОЙ ПРАКТИКЕ

**В общей врачебной практике неврологические расстройства встречаются часто – их симптомы имеют примерно 10% больных. У 1-2 % из них диагностируют неврологические заболевания, большинство из которых может лечить врач общей практики (табл.1). Иногда для уточнения диагноза и выбора тактики лечения нужна консультация невропатолога, и в редких случаях требуется постоянное наблюдение у специалиста. Таким образом, врач общей практики должен знать основы физиологии нервной системы, уметь проводить неврологическое обследование и иметь представление о неотложных состояниях и неврологических заболеваниях.**

**Таблица 1.**
**Основные неврологические расстройства в общей врачебной практике**

**Неотложные состояния**
– Кома
– Менингит
– Эпилептические припадки
– Инсульт
– Внезапное нарушение зрения
– Любые быстро прогрессирующие неврологические расстройства

**Наиболее распространенные неврологические состояния**
– Головная боль
– Головокружение
– Нарушения сна
– Эпилептические припадки
– Нарушения сознания
– Умственная отсталость
– Инсульт
– Рассеянный склероз
– Нейропатии
– Болезнь Паркинсона
– Деменция
– Периферические невриты

**Заболевания, требующие наблюдения в условиях ПЗЗ**
– Эпилептические припадки
– Менингит
– Мигрень
– Преходящее нарушение мозгового кровообращения
– Болезнь Паркинсона
– Гигантоклеточный артериит
– Полимиозит
– Миастения

Большинство врачей общей практики могут успешно проводить лечение некоторых нервных заболеваний. Однако исследования деятельности ВОП, проведенные за рубежом, показали, что врачи недостаточно хорошо владеют методикой неврологического обследования, могут ошибаться в оценке его результатов и не всегда правильно выбирают соответствующие дополнительные исследования. Было также отмечено, что нередко врачи общей практики, не сумев поставить правильный диагноз, пытаются скорее сбыть больного с рук и направить его к невропатологу. Обычно они объясняют это нежеланием заниматься диагностикой и лечением нервных болезней. Но в итоге страдает пациент от дополнительного визита к специалисту, проведения другого обследования и приобретения других лекарственных препаратов. Если врачи общей практики научатся грамотно проводить расспрос, неврологический осмотр и выявлять основные неврологические заболевания, они увидят, насколько интересна эта область медицины, и полюбят ее.

Врач общей практики должен ориентироваться в следующих четырех областях неврологии.

1. Основы анатомии и физиологии нервной системы, позволяющие разбираться в патогенезе и топической диагностике нервных болезней.

2. Особенности общения с неврологическими больными и с членами их семей.

3. Проводить квалифицированное неврологическое обследование пациента.

4. Знать неотложные неврологические состояния и оказывать медицинскую догоспитальную помощь в условиях ПЗЗ.

**"Общая врачебная практика по Дж. Нобелю".**

*Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.*

Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».
И.О. исполнительного директора Максумов Джамшид Джалолович.
700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51,
ТашИУВ, административный корпус, 3-й этаж.
Контактные телефоны: 268-08-19, 267-73-47.
Факс 268-25-39, E-mail: office @ jpib.uz. com.uz.

Над спецвыпуском работали: И. СОАТОВА, Н. ТАЛИПОВ, И. ИЛЬХАМОВА.
Автор фото Анвар САМАДХОДЖАЕВ.

O`zbekistonda sog`liqni saqlash
№ 44 (612)
2008 йил
7 ноябрь

## ЭЪЛОН

*2008 йил 15 ноябрь куни соат 14.00 да Тошкент Тиббиёт академияси (аввалги ТошМИ)нинг мажлислар залида 1978 йилда институтнинг «Даволаш факультети»ни тамомлаган битирувчиларнинг 30 йиллигига бағишланган учрашуви ўтказилади.*

**Мурожаат учун телефон: 273-27-27. Профессор Асомов Равшан Эркинович.**

*Шеърият*

## МАДҲ ЭТАЙИН...

*Беморларга меҳр бериб,*
*Шифо, бахтни улашган.*
*Ширин сўзин канда қилмай,*
*Бизни ўйлаб яшаган.*
*Сиз шунчалар улуғсиз,*
*Шифокорсиз, шифокор.*

*Бемор бўлсак агарда*
*Хабар олиб тургувчи,*
*Ҳар доим касалликдан*
*Муҳофаза қилгувчи,*
*Сиз қанчалар доносиз*
*Шифокорсиз, шифокор.*

*Сизнинг ҳаётимизда*
*Ўз ўрнингиз беқиёс.*
*Кийган оқ халатингиз*
*Тозалик, поклика хос.*
*Тиббиёт оламида*
*У ҳам ўзингизга мос,*
*Сиз қанчалар буюксиз*
*Шифокорсиз, шифокор.*

**Нилуфар МАТКАРИМОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Чилонзор тумани.**

*Семинар*

## МУҲИМ МАВЗУДА

**Қашқадарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида "Ўткир респиратор вирусли касалликлар – грипп ва парранда гриппининг олдини олиш" мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Семинарда Қарши шаҳри ва вилоятнинг барча туман кўп тармоқли тиббиёт бирлашмалари бош шифокорларининг ўринбосарлари, гриппга қарши эмлаш бригадаларининг шифокорлари ва ҳамширалари, паррандачилик корхоналари ходимларига тиббий хизмат кўрсатиб келаётган КВП мудирлари, шаҳар ва туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг эпидемиологлари таклиф этилди.

Йиғилишда вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўлими мудири Р. Музаффаров, вилоят юқумли касалликлар шифохонасининг бўлим мудири С. Ғаниев ва бошқалар мавзу доирасида иштирокчиларга атрофлича маълумот бердилар.

**Афтондил ИСМОИЛОВ.**

*Выставка*

***31 октября нынешнего года во Дворце творчества молодежи, расположенном в самом сердце столицы Узбекистана, прошло открытие выставки детских фотографий и рисунков, посвященных правам детей. Мероприятие было организовано Детским фондом ООН ЮНИСЕФ в сотрудничестве с Фондом "Форум культуры и искусства Узбекистана". Вступительная речь была произнесена главой представительства Детского фонда ЮНИСЕФ в Узбекистане Махбубом Шарифом.***



# КРАСОТА МИРА ГЛАЗАМИ РЕБЕНКА

Что является актуальным для сегодняшнего подрастающего поколения? Какие проблемы и вопросы волнуют детей нашей Родины сегодня? Неправы те, кто считает детство порой, во время которой ребенок живет в стороне от всех житейских проблем и только наслаждается всеми подарками, получаемыми от детства. Наряду с играми и развлечениями, свойственными представителям юной части общества, подростки обладают высоким уровнем эмпатии – сочувствием и сопереживанием своим ровесникам, лишенным самого ценного, что может быть в этой жизни – здоровья и семьи. Вопрос образования, от которого зависит вся последующая жизнь человека, культура, являющаяся зеркалом, отражающим дух народа, окружающая среда, экология, ну и, конечно же, общество – то, что необходимо человеку не меньше воды и пищи – все эти темы явились тематической основой описываемой выставки.

Подготовка к конкурсу проходила следующим образом. При содействии Министерства народного образования юные фотографы побывали в домах милосердия, средних и специальных школах, семьях и махаллях и провели ряд фотосессий. Это был длительный трудоемкий процесс, в ходе которого ребятам была предоставлена возможность отобразить свой внутренний мир. Результаты, плоды этой деятельности и были выставлены на выставке.

Социальная значимость данного события также не может остаться без внимания, ведь организаторами стали такие крупные и имеющие вес в обществе организации, как Фонд "Форум культуры и искусства Узбекистана", который активно занимается продвижением одаренной и талантливой молодежи, распространением среди представителей молодого поколения любви к культуре и искусству, а также Детский фонд ООН ЮНИСЕФ, который занимается вопросами детей и охраной



Большое количество детей пришло посмотреть на выставку, созданную руками их же ровесников. Что касается самих участников. 15 подростков в возрасте от 11 до 18 лет, каждый из которых в отдельности представляет собой отдельный мир, полный чувств и эмоций. Каждый из них – это талантливая личность, творческий потенциал которой был вылит на бумагу, выражен посредством столь профессиональных фотографий. Но дело даже не в профессионализме выставленных снимков, а в их изображении и тематике. Каким внутренним чувством необходимо быть движимым, чтобы запечатлеть именно те моменты сложной повседневной жизни нынешних жителей домов ребенка, которые были запечатлены нашими участниками.

детства по всему миру. Своими мыслями и впечатлениями об описываемом событии с нами поделился **Махбуб Шариф – глава представительства ЮНИСЕФ в Узбекистане:**

*– Эта выставка и в целом эта идея организовать подобного рода мероприятие, то есть предоставить детям возможность отправиться в места, где протекает обычная жизнь простых граждан, со своими трудностями и проблемами, являются большим шансом для детей, шансом, который позволил им проявить себя, выразить свое отношение к столь насущным на сегодняшний день проблемам. ЮНИСЕФ видел в этом мероприятии даже нечто большее, чем простую выставку или конкурс. Работы, выполненные руками детей, предоставлялись на обозрение лицам, принимающим непосредственное участие в организации социальных условий. Я говорю о политиках, социальных работниках, которые тоже были приятно удивлетны работами детей. Мы показали им мнение детей, и дети сами, как я заметил, гордились тем, что их работы оценены так высоко. Мы очень рады, что представители министерств и дипломатических организаций тоже пришли сюда и вдохновили детей, оценив их творчество. Мы довольны сегодняшней выставкой и планируем проводить ее в дальнейшем. Я, в свою очередь, твердо верю, что каждому ребенку должна быть предоставлена возможность выражать собственное мнение. И не важно, к какому социальному слою относится ребенок и какие у него способности. Каждый из нас, взглянув на эти работы, может прочувствовать ясность осознания столь юными детьми всей сущности основных социальных проблем.*

**Одна из участниц конкурса – Тамила Кохан**, поразила нас своей жизнерадостностью и уверенностью в себе. Ей всего 18 и она является самой старшей из всех 15 детей. Мы побеседовали с ней о ее чувствах и впечатлениях.

*– Мне всегда нравилось фотографировать, но я относилась к этому с любительской стороны, не как профессионал. Когда меня пригласили, то я сразу поняла, что это очень хорошая возможность проявить себя. В течение 5 дней для нас был проведен семинар, где мы учились навыкам фотографирования, и причем не просто создавать картинки, но придавать им смысл, вкладывать что-то свое. Мы очень долго ждали выставки, потому что нас заранее предупреждали о ее организации и, конечно, мы просто счастливы, что наконец-то она состоялась. Очень приятно видеть здесь свои фотографии, а особенно видеть людей, которые явно заинтересованы и смотрят на них с восхищением. Я могу сказать, что в свои фотографии вложила много от себя лично – все чувства и переживания касаемые этой проблемы, выразила на фото. Я была бы рада знать, что люди поняли смысл этих фотографий и смогли оценить то, что было нами изображено и вложено. Конечно, для нас это огромный шаг вперед именно для личностного роста и дальнейшей жизни. Но лично для меня самое главное – это то, что фотографии не пропадут без вести и не забудутся, не оставив следа. Я знаю, что они внесут свой вклад в дело помощи нуждающимся детям.*

Также на выставке были представлены работы победителей республиканского конкурса рисунка на тему "Права детей глазами детей". Конкурс был посвящен 60-летию принятия Всемирной декларации прав человека. Свыше 9 000 школ нашей республики были задействованы в проведении данного конкурса. В своих рисунках сами дети изобразили то, какими они видят свои права. Тематика их рисунков была очень разнообразна и включала очень актуальные и животрепещущие проблемы. Победителям конкурса рисунка вручались сертификаты, ценные призы, а самым ценным подарком было внимание восхищенных зрителей.

**Год молодежи меньше, чем через 2 месяца подойдет к концу. Но когда придет время подводить итоги этому году, мы сможем с уверенностью сказать, что вложили в этот год всю свою любовь и теплое отношение к нашим детям. Примером этому является данная выставка, в результате которой мы смогли еще раз оценить весь богатый внутренний мир и духовный потенциал нынешней молодежи. И мы советуем каждому интересующемуся человеку посетить эту выставку и лично посмотреть фотографии участников, ведь лучше один раз увидеть, чем сто раз услышать и прочитать.**

**Юлдуз НАЛИБАЕВА.**

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов, Намоз Толипов (масъул котиб).

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-57-73, тел.: 233-13-22. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, ёзма жавоб қайтарилмайди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга (i) шартли белгиси қўйилган.
Адади 5193 нусха. Буюртма Г-1050.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.



Топширилди – 21.00. 2 3 4 5 6 7 8